Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши
8 ОКТЯБРЬ 1970 й
ПАЙШАНБА
№ 238 (6107).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ЗАВОД ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА

Бугун

Қўйлиқдаги кўприк темирбетон конструкциялари экспериментал заводи ўзи ташкил топгандан буён эллик мингинчи кубометр темир-бетон буюмдар етказиб берди. Шундай қилиб 1968—1970 йилларга белгиланган асосий маҳсулотлар ишлаб чиқариш плани муддатидан илгари адо этилди.

1968 йил январь ойида асфальт-бетон полигони ўрнида шу завод барпо топди. Шундан кейинги йиллар завод учун тараққиёт босқичи йиллари бўлди.

Республикамизда автомобиль йўлларининг тезлик билан қурилиши ана шу магистраллар қурилиши учун янги хил темирбетон буюмлар ишлаб чиқарадиган махсус корхона барпо этишни талаб қилди. Асфальтбетон заводи асосида 1968 йил бошида шундай корхона қурилди.

Кўприк балка кранлари, плиткалар, айлана ва тўғри бурчакли трубалар, кўприк четларига тўсиқлар, лотки ҳозирги вақтда заводда ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг тўла бўлмаган номлари ана шулардан иборат. Завод тараққиёт босқичига қадам қўйди. Ҳозир 1968 йилдагига нисбатан икки ярим баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Янги хил буюмлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилянти.

Рационализаторлар икки йилда беш йиллик жамгармасига бир юз ўттиз минг сўмликка яқин маблағ қўшдилар.

Бу ёш коллективда пайвандчи В. Павлов, А. Мамонтов, оператор М. Шевяков, бетончи Ю. Асовин, Б. Карзанос, шофер В. Колесников каби ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари етишиб чиқдиларки, уларнинг кўкракларини Ленин юбилейининг «Шавқатли меҳнати учун» медаллари безаб турибди.

—Коллективимиз йил охиригача бир миллион сўмликдан зиёд қурилиш материаллари етказиб беради,—дейди завод директори В. Бадалов.—Коллективимиз партия XXIV съездини ана шундай меҳнат ютуқлари билан қутиб олади. Республикамизда йўл қурилишининг бундан буён янада авж олдирилиши муносабати билан йирма темирбетонларга ҳам талаб ортиб боради. Шунинг учун 1975 йилга бориб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ярим баравар ортади. Чўян ва пўлатдан конструкциялар тайёрлайдиган янги цех қурилади.

Ижодий изланишлар, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш янги вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради.





«Авторемприбор» заводининг коллективи партиямизнинг навбатдаги съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани авж олдириб, меҳнат соҳасида қатор муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Яқинда бу ерда пластмассадан автодеталлар тайёрловчи участка ишга туширилди. Бунинг натижасида автоҳўжаликларга зарур бўлган эҳтиёт қисмлар тайёрлаш талабга жавоб берарли бўлиши учун шароит яратилди.

СУРАТЛАРДА: электр приборлар тайёрлаш цехининг мастери Сергей Дадашев автокарларни монтаж этмоқда. Пешқадам мастер Маргарита Веревочкина билан прессчи Александр Морозов пластмассадан тайёрланган деталлар сифатини текширмоқдалар.

М. Нуриддинов фотолари.

*Шаҳар—қишлоққа

Деҳқонларга кийимлар

Тошкент шаҳар енгил саноат корхоналарининг коллективлари деҳқонлар учун пишиқ, қулай ва арзон маҳсулотлар тайёрлашмоқда. Куникеча биринчи пойафзал фабрикасининг коллективи тўрт юз тўқсон етти минг жуфт кирза этик тайёрлаб, қишлоқ савдо ташкилотларига жўнатди.

Тошкент тери-мўйна заводининг коллективи ҳам қишлоқликларга бир юз етмиш бир минг дона қулоқчин тайёрлаб берди.

ОБИҲАЁТ ЭЛТУВЧИЛАР

Бир юз ўн километрга чўзилган Катта Андижон канали қурилиши ишлари ниҳоясига етказилди. Унинг бош лойиҳачиси бўлган «Узгипроводхоз» институти коллективи съезд шарафига Марказий Фарғонанинг қақроқ ерларини ўзлаштирадиган объектларга техник ҳужжатларни етказиб бериш топшириғини муваффақиятли бажарди.

Шу муносабат билан, мухбиримиз Катта Андижон канали лойиҳасининг бош инженери М. Шапиро билан суҳбатлашди. У қуйидагиларни гапириб берди:

—Янги сув магистрали қақроқ бўлиб ётган олтмиш бир гектар ерни сугориш имконини беради. Бу эса, ўрта Осиёнинг энг маҳсулдор водийси марказида бўлади. Ана шу ерларга бир боқинг-а. У жуда ҳам ҳосилдор экинлигига ишонч ҳосил қиласиз. Дала меҳнаткашлари озроқ тер тўксалар, бу ерларда мўл ҳосил етиштирадилар. Ана шунда уларга сув ёрдамга келади. Чунки сув бор жойда ҳаёт бор.

—Лойиҳа топшириқлари устида кимлар ишлади?

—Лойиҳа топшириқларини инженерлардан Алексей Соколинский ва Петр Кузнецовлар бажардилар. Лойиҳаларнинг тўғридан тўғри қурилишга бориши учун институт томонидан Фарғона ва Андижонда ишчи лойиҳалари группалари ташкил этилди.

— Лойиҳалаш ишларида қандай қийинчиликларни енгишга тўғри келди?

— Асосий қийинчиликлар шунда бўлдики, канал трассаси жуда кўп миқдордаги сойлар, коллекторлар ва Қорадарё денгизини кесиб ўтиши керак эди. Ана шунинг учун, лойиҳани шундай тузиш лозим эдики, токи майдонларга сув етказиб бериш бузилмасин.

Лойиҳачилар ишида кимларнинг меҳнатини таъкидлашни хоҳлар эдингиз?

— Кудрявцев, Григорьев, Бенихис, Бобко, Садковский, Каримов, Козлова, Лукьянова, Антонова сингари инженерлар, Сиддиков, Ҳафизов каби қидирувчилар ва бошқа кўпгина талантли хизматчиларимиз меҳнатини таъкидлаш керак.

Каналнинг ҳамма иншоотлари архитектура жиҳатдан яхши безатилгандир. Яқин вақт ичида Марказий Фарғона деҳқонлари янги магистрал бўйича сувнинг оқишига бағишланган тантананинг ёркин гувоҳи бўлишади.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ 65 МИНГ ТОННА!



Қашқадарё областининг пахтакорлари партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейин бўлиб ўтган Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар ва давлат пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари 36 кунида бажардилар.

Тайёрлов пунктларига 235 минг тонна ёки бултур шу муддатдагига нисбатан 135 минг тонна кўп пахта топширилди. Барча тайёрланган пахта биринчи сортларга қабул қилинди.

Ўтган беш йилда беш йиллик пландагига нисбатан 125 минг тонна кўп пахта топширилди.

Пахта тайёрлаш планини адо этган Косон, Ғузор, Яккабоғ ва Китоб районларининг колхоз ва совхозлари областда планнинг бажарилишига катта ҳисса қўшдилар.

Юзлаб механизаторлар, минглаб колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари теримда ҳозирнинг ўзидаёқ бир ярим-икки мавсум нормасини бажардилар.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирокида ўтказилган республика партия активи йиғилишининг қарорларидан илҳомланган область пахтакорлари партия XXIV съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб, пландан ташқари яна 65 минг тонна пахта тайёрлашга, 1971 йил ҳосили учун барча кузги дала ишларини ўз вақтида амалга оширишга ва чорва молларини қишловига яхши тайёргарлик кўриш ҳамда уни намунали ўтказишга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

САМАРҚАНДЛИК ШОГИРДЛАР



Тошкент чинни буюмлар заводи коллективи Самарқандининг 2500 йиллик юбилейига бағишлаб нафис буюмлар тайёрлади. Самарқанд манзаралари акс эттирилган буюмлар тайёрлаш бўйича олинган буюртма ўз вақтида оширилди.

Завод коллективи Самарқанд шаҳрининг янги чинни буюмлари заводи учун малакали кадрлар тайёрлашни ҳам ўз зиммасига олди.

Бугун

корхонага Самарқанддан шогирд йигит ва қизларнинг катта бир группаси етиб келди. Улар корхонанинг барча ишлаб чиқариш участкаларида маҳсулот тайёрлаш технологиясини ўрганадилар.

*Меҳнатда пешқадамлар

МИЛЛИОН КИЛОМЕТР ОРТДА ҚОЛДИ

Бугун

учинчи таксомотор паркида янги хушхабар тарқалди.

Коммунистик меҳнат зарбдори, «Транспортни аварияга учратмаганлиги учун» нишони кавалери Михаил Аседов 28 йилдан буён такси ҳайдаб бир миллион километр ёки экваторни 25 марта айланиш билан баравар бўлган масофани босиб ўтди.

Ҳушмуомала ва ишчан шофер жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. У Ленин район халқ судининг маслаҳатчиси, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини тинглаш комиссияси аъзоси.

Такси ҳайдовчи М. Аседов ҳамкасблари орасида устоз сифатида ҳам ҳурмат билан тилга олинади.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Марказий универмагнинг икки минг кишилик коллективи партиямизнинг XXIV съезди шарафига товарооборот бўйича давлат планини муддатидан олдин бажариш, харидорларга хизматини янада яхшилаш юзасидан ўз зиммасига оширилган социалистик мажбурият олди.

Биринчи октябрда қилинган якунга биноан коллектив халқ ва давлат олдидаги ўз мажбуриятини бемалол бажариш аниқ бўлди. Товарооборот плани 1970 йилнинг тўққиз ойи мобайнида муддатидан анча олдин ўнинчи сентябрдаёқ бажарилди, пландан ташқари етти миллион тўққиз юз олтмиш минг сўмлик мол сотилди.

Йиллик планни шу йилнинг 18 декабрида, беш йиллик планни 1 декабрга бажаришга аҳд қилганмиз. Бундан ташқари фойда плани ва қатор хўжалик иқтисод кўрсатмалари ортиғи билан бажарилади.

Ютуғимизнинг сири, коллектив бир ёқадан бош чиқариб ишлаётгани, ҳар бир меҳнаткаш ўз постида зиммасидаги мажбуриятни шараф билан адо этишга ҳаракат қилаётганидедир.

Кўп йиллардан бери шу соҳада ишлаб, тажриба орттирган, Ўзбекистон савдоси равнақида улкан ҳисса қўшган эркаклар кийими секциясининг мудири Ленин ордени кавалери М. Ҳакимовга ўхшаш ходимларимиз коммунистик меҳнатнинг олдинги сафида бормоқдалар.

Жун газламалар секциясининг мудири А. Зокиров, аёллар кўйлаги секциясининг мудири А. Белова ,аёллар пальтоси секцияси мудирининг ўринбосари К. Нурматова ва бошқалар ҳар бир ишда сафдошларига ўрнак бўлишмоқда.

Универмагда мингдан ортиқ ёшлар ишлашади. Тўрт юз қирқ икки аъзодан иборат комсомол ташкилоти уларга раҳбарлик қилади. Ёшлардан саккиз юз киши ишлаб туриб ўқийди. Шу жумладан, икки юз саксон киши олий, ўрта ва махсус ўқув юртларида таълим олади. Ёшларнинг ишлаб туриб ўқишларига ҳамма имконият яратилган.

Каламинка секциясида ишлайдиган комсомол ёшлар шижоат билан меҳнат қилганликлари туфайли товарооборот бўйича беш йиллик планни 17 августдаёқ бажариб қўйишди.

Марказий универмагнинг коллективи сўнгги икки йилдан буён Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР савдо министрлигининг социалистик мусобақада намуна кўрсатгани учун бериладиган кўчма Қизил байроғини қўлда тутиб келмоқда.

А. СВИСТУНОВ,
универмагнинг бўлим мудири.

ВРАЧЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Бугун

«Тошсовет» номидаги шаҳар касалхонасининг бир группа шифокорлари деҳқонларга медицина хизмати кўрсатиш учун Сирдарё областига жўнаб кетишди.

Улар орасида тажрибали врачлардан И. Ёқубов, С. Усмонова, И. Кучеренко ва бошқалар бор. Шифокорлар областнинг Пахтаорол ва Сирдарё районларидаги колхоз ва совхозларда профилактик ишлар олиб боришади. Жойларда физиотерапия ишларининг яхши йўлга қўйилишига ёрдам беришади.

Врач ва ҳамшираларни махсус медицина машинаси колхоз ва совхозларнинг дала цийпонларига олиб боради. У ерда эса медицинага оид лекция ва суҳбатлар ҳам ўтказилади.

Бундан ташқари пойтахтдаги кўпгина медицина муассасалари ҳам ўз ходимларини «оқ олтин» далаларига жўнатишяпти. Ҳозир пойтахт области ва Сирдарёда 300 дан ортиқ шифокор пахтакорларга мадад беряпти.

СТУДЕНТЛАР ҲАШАРДА

Узбекистоннинг тўрт миллион тўрт юз минг тонналик осмонўпар хирмонини юксалтириш учун студентлар ҳам ҳашарга отландилар.

Кеча

медицина, республика рус тили ва адабиёти ҳамда фармацевтика институтларининг саккиз мингдан ортиқ ҳашарчи-студентлари Сирдарё областига йўл олишди.

Бундан икки кун олдин эса Тошкент Давлат университети, физкультура, чет тиллар педагогика ва алоқа институтлари студентлари умумхалқ ҳашарига отланишган эди. Улар ҳозир дастлабки «оқ олтин» хирмонларини барпо қилишди.



Машинасозлик бўйича Давлат лойиҳа-конструкторлик технология бюросининг ишчи ва хизматчилари Гулистон районидаги «Мирзачўл» совхозининг пахтакорларига «оқ олтин» теримида яқиндан ёрдам бермоқдалар.

СУРАТДА: бюронинг чевар теримчиларидан бири Зарофат Аҳмедова. У ҳар куни совхоз хирмонига ўзининг муносиб улушини қўшмоқда.

Ҳ. Шодиев фотоси.

*Ўлкамиз бойлиги

АҚЧАСОЙ МАРМАРИ

«Тошкентгеология» трестига қарашли «Химгеолнеруд» экспедициясининг Ақча геология қидирув партияси хазинатопарлари Чотқол — Қурама тоғлари этакларида яна бир қимматбаҳо мармар ва габбро тошлари конларини топдилар.

Бу ердан мармарнинг бир йўла тўрт хили топилиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Ақча мармари кулранг, қора, қора қизил, қўнғир қизил бўлиб, ўзининг чиройлилиги билан Чоркесар, Қорақишлоқ, Мирзи мармар тошларидан фарқ қилади.

Бу конни топишда Павел Акимович Сипельников бошчилик қилаётган геология-разведкаси партияси геолог-хазинатопарлари самарали меҳнат қилдилар.

Ақчасой мармари мармарни қайта ишлаш ва махсус плиталар тайёрлаш заводига жўнатилиб, дастлабки лабораторияда текширишлардан ўтказилди.

Ақчасой мармар кони Тошкент области территориясидан топилган тўртинчи мармар конларидан ҳисобланади.

*Санъат оламида

ПРЕЗИДЕНТ ПОРТРЕТИ МУЗЕЙГА ҚЎЙИЛДИ

Бугун

Ўзбекистон ССР Давлат санъатн музейининг тасвирий санъат бўлими яна бир портрет билан бойиди.

Бу ерга ўзбек халқининг фахри, республиканинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоевнинг рассом А. В. Николаев томонидан яратилган портрети қўйилди. Портретда ўзбек халқининг отахони сиймоси ёркин бўёқларда тасвирланган.

*Пойтахтимиз меҳмонлари

ҲИНДИСТОН ЁШЛАРИ ТОШКЕНТДА

Дўст мамлакат—Ҳиндистон республикасининг йигит-қизларидан иборат махсус туристлар группаси Тошкентга келди. Группа етмиш кишидан иборат.

Меҳмонлар шаҳримизда В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, республика халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида бўлиб, улардаги экспонатларни қизиқиш билан кўздан кечирдилар. Шундан кейин Октябрь районидаги 24-мактабда ҳинд тили дарсларининг олиб борилиши билан танишдилар.

К е ч а Ҳиндистон вакиллари саёҳатларини давом эттириш учун Москвага жўнаб кетдилар.

МОНГОЛИЯ—СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ОЙЛИГИ

УЛАН-БАТОР. (ТАСС). Монголия Халқ Республикасида ҳар йили ўтказиладиган Монгол-Совет дўстлиги ойлиги бошланди. Ойликнинг программаси СССРнинг коммунизм қурилишида эришган муваффақиятларини ўрганиш ва пропаганда қилиш, совет кишиларининг бой тажрибасини эгаллаш тадбирларини, совет ва монгол мутахассисларининг, ҳар иккала мамлакат ёшларининг бир қанча учрашувларини ўтказишни назарда тутади.

Давлат опера ва балет театрида шу воқеага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Монголия-Совет дўстлиги жамиятлари Президиуми раисининг ўринбосари Л. Жамбалдорж шу йиғилишда қилган докладида Монголия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстлик ва мустаҳкам ҳамкорликнинг ярим асрлик тарихи улуғ Ленин васиятларини амалга оширишнинг ёркин мисоли бўлиб хизмат қила олади, деди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

«ИНТЕРСЕРВИС—70»

ПРАГА. (ТАСС). Шимолий Моравиянинг маъмурий маркази — Остравада «Интерсервис-70» Халқаро виставкаси очилди. Бу виставкани озодалик ва тартиб техникасининг кўриги деб атамоқдалар. Унда саноат биноларини, қурилиш майдончаларини ва уй-жойларни супуриб-сидириш учун керакли машина ва механизмлар, турли транспорт воситаларини ювиш ва тозалаш учун керакли қурилмалар кўрсатилмоқда. Бу машина ва механизмлар Чехословакияда, Совет Иттифоқида, Австрия, Голландия, Германия Федератив Республикасида тайёрланган.

Чехия Социалистик Республикаси қурилиш ва техника министрининг ўринбосари А. Бухтик виставкани очиб айтдики, Чехословакия ёрдамчи ишлардаги меҳнат унумдорлигини яқин беш йил ичида 40 процентдан зиёд оширишни мўлжалламоқда, шу сабабли у виставкага қўйилган жуда соз совет машиналарига гоят қизиқмоқда.

ЯНГИ ДАВЛАТ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). 10 октябрда дунё харитасида янги давлат пайдо бўлади. 1874 йилдан бери Буюк Британиянинг мустамлакаси бўлиб келган Фиджи аҳолиси мустақилликка эришади.

Фиджининг озод этилиши шу мустамлака халқининг ўз миллий мустақиллиги йўлида узоқ вақтлардан бери олиб борган курашининг натижасидир.

Фиджи Тинч океанининг Ғарбий Жанубий қисмида жойлашган бир группа ороллардан иборат. Унинг умумий майдони 18,2 минг квадрат километр бўлиб, аҳолиси 500 минг кишидан ошади.



Руминия Социалистик Республикаси. Аргеш дарёсидаги гидроэлектростанциянинг сув омбори ва тўғони.

Аджерпресс—ТАСС фотоси.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ҲИССАСИ

●ШАҲРИМИЗ ЁШЛАРИ

Қайнок қалб

Дўстя қадрдонингизни доимо тоғлек ёр, бахтини эса тонгнинг оппоқ нури чоғишабига ҳимралган нилуфардек кулиб боққан ҳолда кўришни истайсиз. Эзгулик йўлида сабот ва матонат билан олий бир мақсад устидан талаба қозонган куни эса, унинг юзига тўйиб-тўйиб боққингиз келади. Унда сиз сира ҳам эътибор қилмаган ҳусннинг аллақандай жозибадор томонларини кўргандай бўласиз. Худди ўша жозибадорликка теранроқ назар солсангиз, унга юрак алангаси нурли арқоқ эшганини кўрасиз.

Шундай дўстларнинг бири — Диёр. Муҳиддиновни Москвага — ВЛКСМ XVI съездига делегат бўлиб кетаётган куни кузатгани вокзалга чиққаним эсимда. Перронда одамлар гавжум. Ҳар бир ташкилот ўзининг энг синалган фарзандларини сайлаб, съездга юбормоқда. Дўстимни биргина мен эмас, Тошкент халқ хўжалиги институтининг катта бир туруҳи — ўқитувчи ва талабалари кузатгани чиққан эди.

Диёр халқ хўжалиги институтининг кўни курсида илм олаётган чоғларидаёқ комсомол ишларида ва бошқа ташкилий ишларда фаол қатнаша бошлади. У фанларни яхши ўзлаштириш билан бирга, студентлар илмий жамиятининг аъзоси ҳам эди. Фанларни пухта ўрганиш, ўзига бириктирилган мавзу бўйича мукаммал илмий иш олиб боришларининг ибратга олиб, устозлари Диёрни 1969 йилда Бокуда ўтказилган Бутуниттифоқ иқтисод институтлари студентларининг фестивалига юборишга қарор қилдилар. У Бокудан муваффақият билан қайтди.

1969 йили институтни тугаллаб, имтиёзли диплом олишга муваффақ бўлди.

Диёр шундан буён институт комсомол комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаб келмоқда. Ҳозир институтнинг кундузги бўлимида 3350 комсомол аъзоси бор. Бунчалик катта кучга эга бўлган комсомол ташкилотининг фаолиятини бошқариш ҳазилакам иш эмас албатта. Институтда комсомолларнинг ташаббуси билан жуда кўп ишлар қилинмоқда.

Институт комсомол ташкилотининг ташаббуси билан комсомол студентлар районларга чиқиб, «Янги иқтисодий ислоҳот», «Қишлоқ хўжалигини планлаштиришни яхши йўлга қўйиш» ва бошқа проблемалар юзасидан лекциялар ўқидилар. Меҳнатни илмий ташкил этиш юзасидан эса илмий конференция бўлиб ўтди. Институтнинг иқтисодий кибернетика факультетидан учта студент илмий ишлари асосида яратган техник аппаратлари учун Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Виставкасининг фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Яқинда, дўстим Диёр институт комсомол ташкилоти фаолияти ҳақида шундай ҳикоя қилиб берди.

— Институтимиз талабалари ўтган йили Сирдарё областининг Акмал Икромов номли совхозида бўлиб, 5300 тонна «оқ олтин» терган эди. Улар олий ўқув юртларнаро мусобақада қатнашиб, олти мартда биринчиликни эгаллашди.

Бу йил ҳам институтимиз ҳудди шу совхозда бўлиб, деҳқонларга яқиндан ёрдам берадилар. Бунда, шубҳасиз, комсомол аъзоларининг фаолияти, катта бўлади.

Бу сўзларни тинглар эканман, дўстимнинг эзгулик йўлидаги улкан режалари кўз ўнгимда намоён бўлади.

Диёр ҳозирги кунда планлаштириш бўйича илмий иш олиб бормоқда. «Қимирлаган қир ошар», — деганларидек, дўстим Диёрга ҳам ҳамиша толе ёр бўлади.

М. ҲАЙДАРОВ.



Лидия Лапаева «Октябрь 50 йиллиги» тикув фабрикасида дазмолчи бўлиб ишлайди. У съездолди мусобақасида қатнашиб кунлик топшириқларни 130 процентга етказиб бажаряпти.

СУРАТДА: Лидия Лапаева.

И. Шоҳнағомов фотоси.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ КЎРИГИ

СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, 1970 йил 14 октябрда мамлакатимизда биринчи марта Халқаро стандартлаштириш куни ўтказилади. Бу кун жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида нишонланади.

Сўнгги йилларда жаҳоннинг барча мамлакатларида стандартлаштиришга қизиқиш ортди ва ўсиб бормоқда. Бу тасодифий ҳол эмас. Стандарт, бу ҳом ашё материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар қандай бўлиши, тайёр маҳсулотлар қандай талабларга жавоб бериши кераклиги тўғрисида маълумот беради ва маҳсулот ҳисобланади. Маҳсулотнинг юқори сифатли бўлиши стандартнинг прогрессив норма ва талабга жавоб бераолишини таъминлайди.

Стандартлаштириш жуда ҳам қулай ва фойдалидир. Иқтисодчиларнинг ҳисоби билан айтганда, стандартлаштириш учун ҳар бир тадбирга сарфланган бир сўм ўн сўм фойда келтиради.

Стандартлаштириш куни — 14 октябрда мамлакатимизнинг барча саноат марказларида, шунингдек, корхона ва ташкилотларда ҳамма касб ва ҳунар эгалари, олимлар, ишлаб чиқариш новаторлари тўпланиб, стандартлаштириш проблемалари ва унинг истиқболларни ҳақида фикр алмашадилар.

Москвадаги Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «СССР стандартлари» павильонида ва тармоқ павильонларида стандартлаштириш бўйича экспозициялар қўйилади.

Халқаро стандартлаштириш куни ҳозирги замон техника тараққиётида эришилган барча ютуқ ва резерваларнинг жамловчи кўргазмага айланади.

В. ЗАЙЦЕВ,
СССРда Халқаро стандартлаштириш кунини ўтказиш бўйича ташкилий комитетнинг масъул котиби.

КИМЁГАРЛАРНИНГ ТЕХНИКА ЭКРАНИ

Чирчиқ электрокомбинатига киравериш да янги илмий техника фильмлари кўргазмаси ташкил этилди. Тушлик танаффус пайтида ва сменалар орасида цехлардаги қизил бурчакларда маданият саройининг кинопередвижкаси иш кўрадиган бўлиб қолди. Жамоатчи кинонамойишчилар электрик А. Н. Королев, мастер М. А. Золотарев ва бошқа кишилар «Химия саноати янгиликлари, турқумдан навбатдаги лентасини тайёрлаб кўрсатишди. Бу кино лентасини корхона мутахассислари, шарҳлаб тургандар. Йил бошидан буён комбинат цехларида ишлаб чиқариш манфаатларини кўзлаган шундай киносеансларидан 250 марта бўлди.

Цех кинолекторийлари кимёгарларнинг маданият саройи томонидан Менделеев номли илмий-техника жамияти бўлими ва комбинат техника пропагандаси бюроси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Экран комбинат техника тараққиёти университетининг иккинчи кафедраси бўлиб қолди.

ЎзТАГ.

●ПАРТИЯ ТУРМУШИ СПРАВКА БЮРОСИ

Сиёсий маориф кабинетлари

КЎПГИНА ОҚШОМХОНЛАР РЕДАКЦИЯГА МАКТУБ ЙЎЛЛАБ, СИЁСИЙ МАОРИФ КАБИНЕТЛАРИ ҲАҚИДА СЎЗЛАБ БЕРИШИМИЗНИ ИЛТИМОС ҚИЛИШГАН. ҚУЙИДАГИ МАҚОЛА АНА ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН БОСИЛЯПТИ.

Сиёсий маориф кабинетлари маркса-ленинча назарияни ўрганаётган ёки ўзи омма орасида агитация-пропаганда ишларини олиб бораётган ҳар бир коммунист ҳамда партиясиз кишига яқиндан ёрдам беради. Энг йирик бошланғич ташкилотларда бундай кабинетлар партия бюджетида туради. Уларнинг аксариятида эса иш жамоатчилик асосида олиб борилади.

Сиёсий маориф кабинетлари бўлмаган жойларда уни қандай ташкил қилиш керак? Бу ишда аввало ўша ердаги бошланғич партия ташкилоти бошқош бўлади. Дастлаб корхона ёки муассаса маъмурияти ёрдамида кабинет учун жой ажратиб олиниб, жиҳозланади. Бу ерда буюк доҳийларимиз К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарлари, партия съездлари, КПСС Марказий Комитети ҳамда республика партия ташкилоти Пленумларининг материаллари бўлиши керак. Улар оммавий пропаганда олиб бормоқдалар, савол-жавоб кечалари уюштирмоқдалар.

Методика кенгашлари катта роль ўйнамоқда. Уларга назарий жиҳатдан тайёргарлиги бўлган, тажрибали пропагандистларни танламоқдалар. У ёки бу тўгарак ва семинарлар мавзудлигига қараб, методика кенгашининг аъзолари КПСС тарихи, сиёсий иқтисод ва конкрет экономика, философия, кундалик сиёсат секцияларини бўйича тақсимланади.

Методика кенгаши пропагандистлар семинарларини тайёрлаш ва ўтказиш ишида қатнашади, методик тафсилотлар тузиб чиқади, бу тафсилотларда: мазкур тема бўйича планни қандай тузиш, маҳаллий материаллардан, кўргазмали қуроллардан, бадиий адабиётдан қандай фойдаланиш, тингловчиларнинг диққат-эътиборини нималарга қаратиш, уларга қандай амалий топшириқлар бериш кераклиги ва ҳоказолар ҳақида тавсиялар айтилади.

Методика кенгашининг аъзолари пропагандистлар, айниқса, ёш пропагандистлар билан якка тарзда иш олиб боради. Улар машғулотларда қатнашиб, унинг ғоявий мазмунига, пропагандист суҳбатни қай тарзда қуриши, қандай далиллар келтириши, тингловчиларни қандай ишонтириши, қандай қилиб уларда суҳбатга актив қизиқиш уйғотишига эътибор берадилар. Сўнгра пропагандистлар билан биргаликда машғулотни муфассал муҳокама қиладилар, камчиликларни кўрсатадилар, қандай қилиб уларни бартараф этиш, ижобий жиҳатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мумкинлиги ҳақида маслаҳатлар берадилар.

Методика кенгашининг аъзолари машғулотларда қатнашар эканлар, пропагандистларга ёрдам беришгина қолмай, балки шу билан бирга тўгарак ва семинарларнинг ишини контроль қиладилар, партия бюроси билан биргаликда уларнинг ишини яхшилашга ҳаракат қиладилар. Бироқ методика кенгашининг асосий вазифаси — пропагандистларнинг тажрибасини умумлаштириш ва ёйиш, уларни партия пропагандаси санъатига ўргатиш марксизм-ленинизм асосларини равшан ва тушунарли баён қилиб беришдан иборат.

АВТОМАТЛАР НАЗАРИЯСИГА БАҒИШЛАНГАН КЕНГАШ

РИГА. Электрон-ҳисоблаш машиналарини лойиҳалаш тўғрисидаги фан — автоматлар назариясини ривожлантиришга бағишланиб, Узаро иқтисодий ёрдам кенгаши доирасида ўтказилган кенгаш бугун тамом бўлди.

Венгрия, ГДР, Польша, Чехословакия ва Совет Иттифоқи мутахассислари халқ хўжалигининг турли соҳалари учун керакли автомат қурилмаларини электрон-ҳисоблаш машиналарини ишлаб чиқиш проблемасига бағишланган бир қанча докладлар ва ахборотларни бир ҳафта мобайнида муҳокама қилдилар.

Совет делегациясининг раҳбари СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси М. А. Гавриловнинг ТАСС мухбирига хабар қилишича, автомат қурилмалардан, масалан, учувчисиз учувчи аппаратларда, автомат заводларда, электр станцияларда кенг фойдаланилмоқда. Миниатюрлаштирилган элементлардан тарқиб топадиган бундай қурилмаларнинг вазифаларни тўхтовсиз кўпайиб бормоқда, шу сабабли уларни лойиҳалаш ҳам жуда мураккаблашмоқда. Бу ишда универсал ҳисоблаш техникасидан фойдаланилмоқда.

СССР Фанлар академиясининг бошқарма проблемалари институти, Латвия ССР Фанлар академиясининг электроника ва ҳисоблаш техникаси институти, бир қанча социалистик мамлакатларнинг илмий-тадқиқот муассасалари бундай техника яратишда катта тажриба орттирди.

Кенгаш қатнашчилари автоматлар назарияси юзасидан 1971 йилда биргаликда қилинадиган ишлар планини белгилаб олдилар ва автомат қурилмаларини лойиҳалаш билан шуғулланувчи универсал ҳисоблаш машиналари учун халқаро машина тилини қўлланиш хусусидаги тавсияларни қабул қилдилар.

(ТАСС).



Шу долзарб кунларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг машинасозлари ҳар куни республикамиз пахтакорлари учун ўнларча янги кўсак чувиш агрегатларини тайёрлаб жўнатмоқдалар. Ҳа демай бу комплекс машиналар пахтакорлар учун хизмат кўрсатади.

СУРАТДА: пешқадам йиғувчи мастер Абдумалик Тўхтаев бригадасининг машинасозлари янги УПХ маркали машиналарини тайёрлаш жараёнида.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

МЕҲНАТДА ҲАММАДАМ, БИЛИМДА ИЛДАМ

Ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит. Аҳён-аҳёнда нотиқнинг товушигина қулоққа чалинади. Лекция-суҳбат ўтаётган хонага яқинлашамиз.

— Жанубий Вьетнам ҳукумати ташаббус ва олийжаноблик намуналарини кўрсатиб, битимга келишнинг конкрет амалий таклифларини ўртага ташлади. Бироқ...

Бу ерда халқаро воқеалар ҳақида ҳар ҳафтада бир марта лекция-суҳбат ўтказилиб, ишчи ёшларни олам воқеалари билан доимий хабардор этиб боришга алоҳида эътибор берилади.

Бугунги суҳбатни мактабнинг тарих ўқитувчиси, коммунист Абдувоҳид Маҳмудов ўтказаётган эди.

Чилонзор районидаги мазкур 54-ишчи-ёшлар мактабининг ташкил топганига кўп вақт бўлгани йўқ, бироқ ўтган ана шу беш-олти йил мобайнида бу билим ва тарбия маконини ишлаб чиқариш корхоналаридан ажралмаган ҳолда ўқиб, қанчадан-қанча йигит-қизлар ўрта маълумот олишга муваффақ бўлдилар.

Ёлғиз ўтган ўқув йилида саксон нафар йигит-қиз етуклик аттестати олди. Шунисі қувончлики, уларнинг кўпчилиги олий ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимларида ўқишни давом эттиряптилар.

Ҳозирги кунда ўн икки синф бўлиб, 300 дан ортиқ ишчи-ёш таълим ва тарбия нуридан баҳраманд бўляпти. Ўқишнинг биринчи куниданоқ фақат «5» баҳоларга ўқиётган ишчи-ёшларнинг билимга ҳавас-иштиёқлари нақадар зўр эканлигидан далолат бериб турибди. 53-қурилиш бошқармасининг ишчиси Комил Пўлатов, сотувчи Икром Алиев, тери-галантерия фабрикасининг ишчиси Н. Усмонова, Сувсинар фабрикасининг ҳизматчиси Г. Тошхўжаева каби ўнларча ёшлар шулар жумласидандир.

Бу билим ва тарбия бўстонига Сувенир фабрикаси, 2 ва 6-пиво заводлари, мебель фабрикаси ва 10, 53, 153-қурилиш бошқармаларидан илмга ихлосманд ёшлар қатнайдилар.

Ишчи-ёшларнинг яхши ўзлаштиришлари, айниқса, дарсларга мунтазам қатнашишларини таъмин этишда корхона раҳбарлари ва бошланғич партия, касаба союз ҳамда комсомол ташкилотларининг мактаб директсияси ва педагогик коллективга жуда яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Ўз навбатида синф раҳбарлари ишчи-ёшларнинг иш жойларида, корхоналарида бўлишиб, уларнинг меҳнат шароитлари, зиммаларидаги вазифаларини қай даражада адо этаётганликлари билан яқиндан танишиш ва зарур амалий маслаҳатларни беришга алоҳида эътибор билан қараб келяптилар.

Бу борада тўққиз нафар коммунистни бирлаштирган мактаб бошланғич партия ташкилоти (секретари кекса отахон-педагог Худойберди Мусаев)нинг муносиб хизматларини алоҳида ўктириб ўтиш керак. Ўрток Мусаев ҳар бир коммунист-педагогни ўқув-тарбия ҳамда жамоатчилик ишининг бир соҳасига масъул этиб белгилаб, оммавий-сиёсий ишларни намунали уюштиришга эришиб келяпти. Чунончи, коммунист-педагог Мутал Пўлдошев ишчи-ёшларнинг маънавий ва эстетик қиёфалари, уларнинг онгли, интизомли бўлишлари бўйича, Тошпўлат Салимсоқов эса ишчи-ёшларнинг ўлгуришлари ва юқори баҳоларда ўқишлари бўйича, Абдувоҳид Маҳмудов эса, ишчи-ёшларнинг кўнгилли, мазмунли ҳордиқ чиқаришлари ва дам олишлари бўйича масъул этиб белгиланганлар.

Мактабда эллик нафар комсомол бўлиб, улар ўзлари ишлаётган корхона бошланғич комсомол ташкилотлари ҳисобида турадилар. Бироқ, бошланғич партия ташкилоти ҳар бир комсомолнинг меҳнат ва ўқишда илғор бўлишига эришиш учун, ҳамиша барча зарур тадбирларни амалга ошириб келяпти. Ўрток Х. Мусаев бошчилигида машғулотлари юксак савияда ўтаётган снёсий тўгарагининг фаолияти ҳам диққатга сазовор. Тўгарак машғулотлари ҳамиша пухта тайёргарлик билан жонли, қизиқарли ўтади. Ҳар бир машғулотда пландаги темага боғлиқ ҳолда кундалик халқаро аҳвол, олам янгиликлари ҳақида маълумот ҳам бериб борилади.

Мактабда синфдан ташқари машғулотларни системали ўтказишга ҳам алоҳида эътибор берилади. Чунончи, тажрибали география ўқитувчиси Мардан Юсупов бошчилигида ёш ўлкашунослар тўгараги, Муҳаббат Пўлдошева раҳбарлигида ёш химиклар тўгараги ишлайди. Ёш ўлкашунослар ва ёш химиклар тўгарагининг аъзолари илмий конференция ўтказишга қизғин ҳозирлик кўраётирлар.

— Бир қатор фанларнинг янги программа асосида ўқитишга киришилаётганлиги муносабати билан, — дейди мактаб директори ўрток Мутал Пўлдошев, — айниқса, биз ишчи-ёшлар мактаби педагоглари зиммасига яна ҳам масъулият юкланди. Чунки, бизнинг ўқувчиларимиз кундузи ишда кечқурун ўқиш билан машғул бўладилар. Демак, уларнинг дарс тайёрлашларига кам вақт қолади. Шу боисдан ўқувчидан бутун материалнинг фақат дарс жараёнида пухта ўзлаштириб олишига эришиш талаб этилади. СССР тарихи, умумий тарих, жамиятшунослик, география, физика, химия, биология фанларини янги программа асосида ўқитаётган мактабимизнинг тажрибали — машъал педагоглари А. Маҳмудов, Ф. Мўминов, М. Аҳмедова, Х. Мусаев, А. Азимов, Т. Салимсоқов сингари ўртоқларнинг дарслари ҳамиша кўргазмали, қизиқарли ва жонли ўтади.

Ҳа, мазкур кечки ишчи-ёшлар билим бўстонида ҳаёт жўш уряпти. Ишчи-ёшлар эзгу ниятлар билан яшаяптилар, ишлаяптилар ва ўқияптилар. Бунинг учун ҳамма имкониятлар мавжуд ва муҳайё этилган.

С. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Т. АШРАФХОНОВ,

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ЧИПТА ЯМОҚ

Эски Шайхонтоҳур даҳасидаги Орқа кўча, Жар кўча, Ҳовузлик маҳаллаларига ленинградлик дўстлар йигирма саккиз мўъжатшам турар-жой биноси қуриб беришганини кўпчилик биладн. Бу уйлар «Марказ-13» деб аталади. Бу ерда ҳамма қулайликлар мавжуд. Бироқ шуларнинг қадрига етмайдиган, киши таъбини хира қиладиганлар ҳам ичимизда йўқ эмас. Масалан, 16, 17, 18, 19-уйлар сақнида эски ҳаммом ва икки қаватли кирхона вақтинча қолдирилган эди. Бу ҳаммом ва кирхоналарнинг ҳиди анқиб одамлар соғлиғига қанчалар зарар етказаётганини ўйлаб кўринг.

Яна шуниси ҳам борки, ичитиш жиҳозлари, қозонлари қорамой билан ёқилади. Ҳамма хонадонларни қорекуя ва қора тутун, бадҳид босиб кетади.

Аҳоли томонидан Октябрь район ижроия комитети, шаҳар ижроия комитетига бир неча марта шикоят қилинди. Бу шикоятларга «вақтинча» туради деб жавоб берилади. Мана орадан уч йил ўтди, энди эса якка тарзда иш олиб боради. Улар машғулотларда қатнашиб, унинг ғоявий мазмунига, пропагандист суҳбатни қай тарзда қуриши, қандай далиллар келтириши, тингловчиларни қандай ишонтириши, қандай қилиб уларда суҳбатга актив қизиқиш уйғотишига эътибор берадилар. Сўнгра пропагандистлар билан биргаликда машғулотни муфассал муҳокама қиладилар, камчиликларни кўрсатадилар, қандай қилиб уларни бартараф этиш, ижобий жиҳатларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мумкинлиги ҳақида маслаҳатлар берадилар.

Методика кенгашининг аъзолари машғулотларда қатнашар эканлар, пропагандистларга ёрдам беришгина қолмай, балки шу билан бирга тўгарак ва семинарларнинг ишини контроль қиладилар, партия бюроси билан биргаликда уларнинг ишини яхшилашга ҳаракат қиладилар. Бироқ методика кенгашининг асосий вазифаси — пропагандистларнинг тажрибасини умумлаштириш ва ёйиш, уларни партия пропагандаси санъатига ўргатиш марксизм-ленинизм асосларини равшан ва тушунарли баён қилиб беришдан иборат.

ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДАЛАР

Ўзбекистон энергетиклари меҳнатни илмий асосда ташкил этиш учун олиб борилган бир йиллик ишларининг якунларини кўриб чиқиш, бир-бирларининг НОТда эришган тажрибаларини ўрганиш учун Андижон шаҳрига ўн кунлик семинарга йиғилдилар. Семинарда сўзга олинган Тошкент ГРЭСи, Навоий ГРЭСи Тошкент ТЭЦи ва Тошкент шаҳар район қозонхоналари корхонасн вакиллари ўз корхоналарида меҳнатнинг илмий асосда ташкил этилишида эришилган ютуқлар ва шу орқали кўрилган иқтисод ҳақида доклад қилдилар.

З. РУСТАМОВ, инженер.

Билим тарқатувчилар

«Тоҳир ва Зуҳра» магазини яқинидаги «Союзпечать» дўконининг ёнида эрталабданоқ кишилар навбат кутиб туришади. Газета сотувчи Ғофур Абдазов бу ерга келган кишиларнинг соғлиғини сўрайди, уларга энг сўнгги янгиликлар тўғрисида гапириб беради. Ҳар куни бу ердан мижозлар ўзларига керакли газета ва журналларни олиб кетишади.

Ғофур Абдазов мана, олти йилдирки, халққа зиё, билим тарқатиш билан банд. У ойлик, квартал планларини муттасил равишда ортиғи билан бажариб келмоқда. Ҳар қачонгидек, сентябрь ойи плани ҳам муддатидан сакқиз кун илгари бажарилди.

Билим тарқатувчи Абдазов ўзининг меҳнатсеварлиги туфайли, мижозлари ва «Союзпечать» ходимларининг ҳурматига сазовор бўлмоқда. У кишиларга газета ва журналларни тарқатар экан. 1942 йил Ленинград мудофаасида қатнашган йилларини, кичкина варақаларни ўқиган чоғларини эсига туширади. Уша кичик варақалар қанчадан-қанча жангчиларни ғалабага ишлаган.

Ғофур Абдазов В. И. Ленинниг юз йиллиги тўйида «Шавқатли меҳнати учун» юбилей медали билан тақдирланди. Унинг қутисида Октябрь район «Союзпечать» бошқармаси ва шаҳар маъмурияти томонидан берилган бир неча ёрлиқ ва мақтов қоғозларини кўриш мумкин. Газета билан савдо қилувчи 14-киоска ходимининг бу ишидан ҳамма, айниқса газетхонлар мамнун.

Абдазовнинг касбдоши Яхшибой Жамолов ҳам халққа бенуқсон меҳнат қилиб келаётган ана шундай оддий касб эгаларидан ҳисобланади. У беш йилдирки, пойтахтимизнинг Октябрь бозори ёнидаги 4-киоскада намунали ишлаб келмоқда. У ҳам социалистик мусобақада ҳамиша пешқадам бўлганлиги учун «Шавқатли меҳнати учун» юбилей медали билан тақдирланди.

Яхшибой Жамолов сентябрь ойи планини 150 процентдан ошириб бажарди. Бунинг учун, бир неча бор «Союзпечать» бошқармасининг Фахрий ёрлиқлари, пул ва қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланишга сазовор бўлди.

Бу икки касбдош ўзларининг беғараз меҳнатлари билан газетхонларга билим тарқатаётгани, ҳар бир уйга зиё келтираётганини яхши билишади. Шунинг учун ҳам, улар ёзнинг жазирамасига, қишнинг қаҳратон совуғига бардош бериб, ҳамиша ўз постларида ҳозиру-нозир турадилар. Ҳамиша ойлик, квартал планларини ортиғи билан бажарадилар.

Ҳ. ИНОҒОМОВ,
биноқор.

Тошкент ўзбекистонда республикамизда

КИБЕРНЕТИКАНИНГ ҚИШЛОҚҚА ЁРДАМИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кибернетика институти ходимлари пахтакор хўжаликлар тараққиёти истиқболининг математик оптималь моделини тузиб чиқидилар. Улар бу ишни Тошкент область Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози маълумотлари асосида бажардилар. Олимлар ишлаб чиққан методикани бундан кейин бошқа ҳар қандай пахтачилик хўжалиги учун қўлланиш мумкин бўлади.

Кибернетикларнинг тадқиқотлари ердан, ўғитдан, техникадан ва бошқа ресурслардан анча оқилона фойдаланиш имконини беради. Олимларнинг фикрича, кибернетика машиналари қилган тавсияларни амалга ошириш колхозда ялпи маҳсулот етиштиришни 10-15 процент кўпайтириш имконини беради.

Кибернетика институти пахтакор хўжаликларда бир йилда маҳсулот етиштиришнинг оптималь иқтисодий математик моделини планлаштиришни ҳам ишлаб чиқдилар. Бунинг учун «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози материалларидан фойдаланилди. Эндиликда олимлар электрон-ҳисоблаш машиналар ёрдами билан қилинадиган шундай ҳисоблар методикасини кенг жорий этиш учун республика қишлоқ хўжалиги министрлигига топширмоқдалар.

(ЎзТАГ).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ГУЛИСТОН. Гулистон ремонт-механика заводи коллективи маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажарди. Корхона меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига олган фойда уч миллион сўмдан ортиб кетди.

Гулистон заводи Мирзачўлнинг янги ерларини ўзлаштиришда қатнашаётган машиналар ва механизмларни ремонт қиладиган асосий базадир. Бу корхона бульдозерларни, скреперларни, экскаваторларни, кўтариш кранларини, тракторларни «даволайди». Корхона мураккаб металл конструкцияларни ҳам ишлаб чиқаради. Янги беш йилликда заводнинг қуввати анча ортади. Бу ерда ўн тонналик автокранларни ишлаб чиқарадиган цех ишлай бошлайди, металл конструкцияларга ва нестандарт ускупаларнинг турн кўпаяди, металл қуйиш ишларининг ҳажми ортади.

(ЎзТАГ).



СУРАТДА: Оққўрғон районн марказидаги Улуг Ватан урушн қурбонларн хотирасига қўйилган монумент.

Т. КАРИМОВ фотосн.

Яхши фазилатли кишиларимиз

ДИЛЛАР РАВШАН

...Залда сукунат чўккан. Узун столнинг икки қанотида газетхон ва журналхонлар ўзларига керакли материалларни ўқиб ўтиришибди. Тўрда сочларига қор нусхи урган олтмиш беш ёшлардаги бир аёл залга ҳозиргина кириб келган йигитчага жавоб-муомала қилмоқда.

— Онахон, «Фан ва турмуш» журналининг ўтган сонлари топиладими?

— Албатта топилади, ҳозир олиб бераман, сиз бўш жойга ўтириб туринг.

Бу шириншуҳан, тиниб-тинчимас аёлни кўпчилик яхши танийди. Қачон қарасангиз соя-салқин «Ғалаба» маданият ва истироҳат боғининг ўқув залида куйманиб юради. Ҳали газеталарни тахлаётган, ҳали ҳўл латта билан полни ярқиратиб артиб чиқаётган, бир оздан сўнг журналларни жилтига тикаётган бўлади...

...Саида опа меҳнат фаолиятини 1920 йили Москвада Халқ Маорифи Комиссариатида курьер бўлиб ишлашдан бошлади. 1923 йили комсомол йўлланмаси билан Тошкентга келиб, Октябрь район комсомол комитетида ишлай бошлади. Комсомолнинг топшириғи билан Андижонда босмачиларни тугатишга ўзининг ҳиссасини қўшди. Саида Абдулманова ҳаракатдаги армияда сиёсий ходим бўлиб хизмат қилди.

— Абдулла Набиев билан учрашганларим ҳеч эсимдан чиқмайди, — деб эслайди Саида опа ўша жанг-жадал кунларни эслаб. — Ўшанда мен мусулмон хотин-қизлари бўлимида ишлардим. Абдуллани охирги марта ўлимидан ўн-ўн беш кун олдин кўргандим.

Тинч замонлар бошланганидан сўнг, Саида опа билимини ошириши кераклигини ҳис этди ва шу мақсадда Ашхобод педагогика институтининг тарих факультетига кириб ўқиди. Институтни муваффақиятли тугатиб, Ашходдаги 26- мактабда директорлик қилди, Тошкентга кўчиб келгач, В. И. Ленин номидаги офицерлар билим юртида тарихдан дарс берди.

Сўнгги йилларда эса «Мотор» газетасига редакторлик қилди.

1960 йили Саида Абдулмановани пенсияга узатишди. У шаҳар аҳамиятига эга бўлган пенсия билан таъминланди. Саида опа бир ой уйда ўтирдию, юраги тошиб кетди. Одамлар орасида ишлаб ўрганган, уларнинг иши учун елиб-югуриб юрган кишига қийин бўларкан. «Ўзимга яраша иш топилиб қолар», деган ўй ўтди, Саида опа дилидан. Шу ният билан у ўқув залига ишга келди. Мана, тўққиз йилдирки, опа шу ерда ўзининг жонкуярлиги, саранжом-саришталиги ва хушмуомалалиги билан танилиб, ишлаб келмоқда. Боқца келган ўқувчилар Саида опанинг илиқ сўзларидан диллари равшан бўлиб, ўзларига керакли бўлган материалларни ўқиб, опага ташаккур айтиб қайтишади.

Саида Орифовнанинг меҳнатларини (у 1932 йилдан бери КПСС аъзоси) партиямиз муносиб тақдирлаб келмоқда. Опа «СССР ҳарбий мудофаасининг 50 йиллиги» медали ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг эллик йиллик байрами арафасида Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

С. САЙДАЛИЕВ.



«Ташобувторг»га қарашли 7-пойафзал магазини шаҳар аҳолисига намунали савдо хизмати кўрсатмоқда. Бу магазин коллективи намунали хизматлари учун йил бошидан бери «Ташобувторг»нинг кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб келмоқда.

СУРАТДА: секция бошлиғи «Совет савдоси аълочиси» Клавдия Сучкова ёш сотувчилардан С. Соатов ва М. Юсупова билан савдо хизмати юзасидан суҳбатлашмоқда.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

Кирни крахмаллаш

Дўстлар даврасида

Крахмалланган кир зичроқ, қаттиқроқ ва кўримли бўлади, камроқ ғижимланади ва камроқ ифлосланади. Кир чайилгани ва сиқилганидан кейин (қуритмасдан) ёки қуригандан сўнг крахмаллаш мумкин. Газаламанинг хили: пишиқлиги, қалинлиги ва қандай мақсадда қўлланишига қараб, ҳар хил миқдорда крахмал солинади.

Кирни крахмаллашнинг уч хил усули бор. Биринчи усул, яъни юмшоқ крахмаллаш — юпқа газлама (батист, маркизет, шифон ва бошқалар)ни, шунингдек, тюль ва дока пардаларни, тўр буюмларни, чойшаб ва кўрпа, ёстиқ жилдларини крахмаллашдир. Бунда бир литр сувга бешдан ўн граммгача крахмал солинади.

Иккинчи усул, яъни ўртача крахмаллаш — салфеткаларни, дастурхонларни, ёстиқ ва каравот ёпқичларини, пардаларни, оқ сурп, репс ва бошқа хил газламалардан тикилган буюмларни крахмаллашда қўлланилади. Бунда бир литр сувга ўн-ўн беш грамм крахмал солинади. Учинчи усул, яъни қаттиқ крахмаллаш — устки кўйлакларнинг айрим қисмларини, чунончи, ёқа, манжетларни крахмаллашдир.

Юмшоқ ва ўртача крахмаллаш учун — пиширилган крахмал (клейстер) қаттиқ крахмаллаш учун эса хом крахмал (крахмал сути) ишлатилади.

Қаттиқ крахмаллаш учун маккажўхори крахмали билан гуруч крахмалини, шунингдек, картошка билан маккажўхорининг юқори сортли крахмалларини аралаштириб ишлатган маъқул. Ифлосланган, яъни кул ранг ёки сарғиш ранг крахмални ишлатишдан олдин тозалаш зарур. Бунинг учун крахмалга сув қўшиб чайқатилади, тиндирилади, суви тўкилади ва устидаги ифлос қатлами олиб ташланади. Буни икки-уч марта такрорлаш керак. Зарур бўлган ҳолларда крахмал элаб тозаланади.

Газлама қотиб туриши зарур бўлса, крахмаллаш вақтида суюқликка танакор (бура) қўшилади.

Клейстер қуйидагича тайёрланади. Тегишли миқдорда олинган крахмал бир озгина совуқ сувга солинади, қумоқларн ёзилганча қориштирилади. Бошқа идишдаги қайнаб турган сувга аралаштириб туриб озоздан қуйилади, тайёр клейстер етарлича тиниқ бўлмаса, беш минутча қайнатилади. Синкаланмаган кир крахмалланадиган бўлса, клейстерга озгина синкаланган совуқ сув қўшиш мумкин. Кир крахмалли сувда яхшилаб чайилади, сиқилади, қуритилади, дазмолланади.

Кўйлакнинг ёқа, манжети ва қотиб туриши лозим бўлган бошқа қисмлари хом крахмалда крахмалланади. Бунинг учун бир литр совуқ сувга 40—60 грамм ҳисобида қуруқ крахмал ва ўн-ўн беш грамм танакор олинади. Танакор алоҳида идишдаги иссиқ сувда эритилади. Крахмал аввало озроқ сувга аралаштирилади, сўнг устига сувнинг қолган қисми қуйилади, ёқа ва манжетлар солиниб қўлда ишқаланади. Кейин сиқиб олиниб бирор сочиққа маълум вақт ўраб қўйилди.

Планета янгиликлари

АПН, ТАСС мухбирлари хабар берадилар

Социализм мамлакатларида

Муҳим қарорлар

БУДАПЕШТ. (ТАСС). Бу ерда Венгрия Халқ Республикаси Давлат мажлисининг сессияси бўлиб ўтди. Депутатлар мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг тўртинчи беш йиллик плани тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама этдилар ва бир овоздан қабул қилдилар.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш иқтисодий сиёсатнинг асосий вазифасидир, дейилади қонунда. Бу эса аҳолининг турмуш даражасини нисбатан тез оширишга имкон беради.

Беш йиллик план миллий даромадни ҳар йили 5,5—6 процент оширишни кўзда тутади.

Беш йил ичида саноат ишлаб чиқариши 32—34 процент ошиши лозим. Қурилиш-монтаж ишларининг ҳажми 41—43 процент кўпаяди, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳажми эса, ҳозирги даражадан 15-16 процент ортиб кетади.

Депутатлар 1966 йилги сайлов қонунига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама этдилар ва қабул қилдилар. Киритилган ўзгартишларнинг моҳияти мамлакатдаги сайлов системасини янада демократлаштиришдан иборат бўлди.

Коммунистлар союзи Президиумида

БЕЛГРАД. (ТАСС). Бу ерда Югославия Коммунистлари союзи Президиумининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Югославия сиёсий системасини янада ривожлантиришнинг актуал масалалари муҳокама қилинди.

Мажлисда Н. Броз Тито сўзга чиқиб, Югославия Социалистик Федератив Республикасининг давлат органларини қайта ташкил этиш фикри, қандай пайдо бўлганлигига тўхталиб ўтди ва Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президиуми тарзида олий давлат органини тузиш зарурлигини асослаб берди.

Бу масала,— деди Тито,— Югославия Коммунистлар союзининг октябрь охирида ўтказиладиган биринчи конференциясида ҳам муҳокама қилинади.

Мажлис охирида Президиум Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президиумини тузиш тўғрисидаги таклифни маъқуллаб, резолюция қабул қилди.

Куба флоти ривожланмоқда

ГАВАНА. (ТАСС). Куба савдо флоти сафига яна бир кема қўшилди. 22 минг тонна ҳажмдаги «7-ноябрь» номли бу танкер Кубанинг буюртмасига биноан Ленинград кемасозлик корхоналарида қурилаётган шу типдаги уч кеманинг биринчиси. Куни-кеча танкер Гавана портига етиб келди.

Янги кеманинг экипажи Кубанинг ёш денгизчиларидан танлаб олинди.

«Олимпия» маркаси билан

ВАРШАВА. (ТАСС). Лодздаги «Олимпия» трикотаж фабрикаси халқ Польшасидаги мана шу тармоқнинг энг катта корхоналаридан бири. Фабрика харидорларга ғоят манзур бўлган турли бичимдаги ва турли тусдаги 40 хил трикотаж буюмларни ишлаб чиқармоқда.

Фабрика лабораториясида ва махсус намуналар бўлимида трикотаж буюмларнинг янгидан-янги фасонлари ишлаб чиқилмоқда. Улар ўз моделларини тайёрламоқдалар ва намуналар марказий бюроси тақдим этган моделлар чизмаларини ишлаб чиқмоқдалар.

Корхона буюмларининг кўпларига юқори сифатли деб баҳо берилди. «Олимпия» маҳсулотларининг 35 процентига яқини ҳар йили чет элларга чиқариб сотилади.



ГДР. Висмардаги «Матиас-Тезен-верфт» верфида навбатдаги кема қурилиши. Бу пассажир лайнери СССР байроғи остида денгизларда сузади.

Республика кемасозлик саноати ташкил топгандан бери 20 йил ичида жаҳоннинг 20 дан зиёд мамлакатига 3000 кема қуриб берилди.

АДН—ТАСС фотоси.

Партия карточкаларини алмаштириш

РИМ. Италияда Италия Коммунистик партиясининг ҳар йили ўтказиладиган партия карточкаларини алмаштириш кампанияси давом этмоқда.

1970 йил 3 октябргача бўлган маълумотларга қараганда, 1 миллион 485 минг 278 киши партия карточкаларини алмаштириб олди. Булар орасида шу йил партия сафига кирган 100 минг 455 киши ҳам бор.

Шу маълумотларни босиб чиқарган «Унита» газетаси 1970 йилда партия карточкаларини алмаштириш кампанияси 31 декабрда тугайди, деб ёзади.

(ТАСС).

Коммунистик матбуот фондига

РИМ. (ТАСС). Италияда Коммунистик матбуот фондига маблағ тўплаш кампанияси муваффақиятли ўтмоқда, 3 октябргача бўлган маълумотларга қараганда, Италия Коммунистик партиясининг матбуот органларига обуна бўлиш натижасида тўпланган жамики маблағ 1 миллиард 739 миллион лирага етди.

Ўнгларга ён берилди


ЛОНДОН. (ТАСС). Ольстер ультралари Чичестер-Кларк ҳукуматини яна бир марта ён беришга мажбур қилдилар. Ривожланиш ишлари билан шуғулланувчи министр Б. Фолкнернинг Бельфастда айтган гапига қараганда, Шимолий Ирландияда маҳаллий ҳокимият органларига навбатдаги сайлов шу йил октябрда ўтказилмайдиган бўлди. Эндиги сайлов 1972 йилнинг кузидан олдин ўтказилмайди.

«Гардиан» газетасининг ёзишига қараганда, Шимолий Ирландияда граждан ислоҳотлари ўтказиш тўғрисидаги ваъдалар программасини бажариш бундай кечиктирилганлигини ҳукуматнинг ўнгларга катта ён бериши, деб ҳисобламоқдалар.

Қуролланишга қарши


ТОКИО. (ТАСС). Асакада Японияни ракета қуроли билан қуроллантиришга қарши кураш масалаларига бағишланган икки кунлик кенгаш тамом бўлди. Бу кенгашни ядро қуролини тақиқлаш учун курашувчи миллий конгресс, Япония—Америка хавфсизлик шартномасини бекор қилиш учун курашувчи Бош комитет ва Япония касаба союзлари Бош кенгаши уюштирди.

Кенгаш қатнашчиларн янги ракета базаларининг вужудга келтирилишига қарши актив курашни кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилдилар.



Америка Қўшма Штатларининг 6-флоти кемалари Ўрта Ер денгизида.

АФП—ТАСС фотоси.



ҲИНДИСТОН. Рачи шаҳридаги (Бихар штати) Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган оғир машинасозлик заводи цехларидан бирининг умумий кўриниши. Бу завод мамлакатнинг нефть, цемент ва химия саноати учун жиҳозлар ишлаб чиқаради.

АДН—ТАСС фотоси.

Брандт шартнома ҳақида

БОНН. (ТАСС). Германия Федератив Республикасининг канцлери В. Брандт Гессен ўлкасидаги сайловолди кампанияси йиғилишларидан бирида гапириб, Совет—Гарбий Германия шартномасининг катта аҳамиятини қайд қилиб ўтди.

Германия Федератив Республикаси билан СССР ўртасидаги шартнома, —деди Брандт Рюссельсгеймдаги митингда сўзлаган нутқида,— Европада мустаҳкам тинчликка йўл очиб беради. Бу шартнома имзоланиши натижасида Совет Иттифоқи билан ҳамда Германия Федератив Республикасининг Европадаги қўшинлари бўлган бошқа социалистик мамлакатлар билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун шарт-шароит вужудга келтирилди.

В. Брандт Франкфурт-Майндаги сайловчилар йиғилишида сўзлаган нутқида Совет—Гарбий Германия шартномасига юксак баҳо берди. Брандтнинг айтишига қараганда, шартноманинг катта аҳамияти шундаки, у мавжуд реал ҳолатга асосланди. Бизнинг келажагимизни, деди канцлер, Европадаги ҳақиқий аҳволга асосланиш йўли билангина қуриш мумкин.

ОҚ Уй вакилининг айтганлари

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). АҚШ президенти Никсоннинг Лондонга қилган визити тугаганидан кейин Ассошиэйтед пресс агентлиги, Америка ва Англиянинг мансабдор шахслари Яқин Шарқдаги ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битим муддатини яна 90 кунга чўзиш матлуб деган фикрга келганликларини хабар қилди. АП агентлигининг хабаридан маълум бўлишича, Президент Никсон Англия Бош министри Эдвард Хит билан учрашганидан кейин Оқ Уйнинг вакили шу гапни айтди.

Қаршилик кўрсатиш ҳаракати курашчиларининг учрашуви

БОНН. (ТАСС). Фашизмга қаршилик кўрсатиш ҳаракати курашчиларининг халқаро учрашуви Аахенда «Европа хавфсизлиги — кескинликни юмшатиш ва тинчликка олиб борадиган йўл» деган шиор остида ўтди.

Учрашув қатнашчилари СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида тузилган шартномани яқиллик билан маъқулладилар. Қабул қилинган баёнотда бу шартноманинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ўқтириб ўтилади. Шартнома Европадаги барча давлатларнинг чегаралари, шу жумладан, Одер-Нейсе бўйлаб ўтган чегара ва Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги чегара дахлсиз деб ҳисоблади.

Учрашув қатнашчилари хавфсизлик масалалари юзасидан Умумевропа кенгашини чақириш йўлида зўр бериб ҳаракат қилиш зарур эканлигини айтдилар.

Ҳушёр бўлишга даъват

НИКОЗИЯ. (ТАСС). Кипр Меҳнаткаш халқ прогрессив партиясининг бош секретари Э. Папаноанну Никозияда шу партиянинг кекса ходимлари ва аъзолари йиғилишида сўзлаган нутқида қуйидагиларни айтди: Кипрдаги грек ва турк жамоалари вакиллари ўртасида олиб борилаётган музокаралар Кипр проблемасини ҳал этишнинг бирдан-бир тўғри йўлидир.

Шу билан бирга, Кипр Меҳнаткаш халқ прогрессив партиясининг бош секретари Кипр халқини ҳушёр бўлишга даъват этди. «Империалистлар, — деди у,— Кипрга нисбатан ўз режаларидан воз кечган эмаслар».

Э. Папаноанну Яқин Шарқдаги воқеаларга тўхталиб, яқинда Иорданияда бўлган тўқнашувларда қон тўкилганлиги муносабати билан таассуфланганлигини айтди.

Вазият нормаллашиб бормоқда

БАЙРУТ. (ТАСС). Иорданиядаги аҳвол изга тушиб бормоқда. Иордания армияси ва Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракати отрядлари ҳамма жойда ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимни бажармоқдалар.

Битимнинг бажарилишини кузатиб турувчи Араб мамлакатлараро комитетининг Аммон радиоси эшиттирган ахборотида бундай дейилади: ҳар иккала томон ҳукумат қўшинларини ҳамда Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракати отрядларини шаҳарлар чегарасидан чиқариб юбориш ва уларни ўз базаларида жойлаштириш тўғрисидаги қарорларни амалга ошириш шартлари тўғрисида узил-кесил келишиб олди.

Мамлакатнинг шимолида Фаластин отрядлари ҳали ҳам Ирбидда турибдилар. Иордания армияси эса шаҳар теварагидаги позицияларни эгаллаб турибди. Мамлакатнинг бу қисмида ҳам осойишталик ҳукм сурмоқда. Зарка шаҳрида армия қўмондонлиги билан партизанлар ўртасида асирларни айрибошлаш ва армия қисмларини ҳамда партизан отрядларини шаҳардан олиб чиқиб кетиш тўғрисида битим тузилди.

Иордания пойтахтидаги ҳаёт нормал изга тушиб бормоқда. Шаҳар кўчалари тартибга солинмоқда, кўтарма кранлар ёрдамида баррикадалар бузиб ташланмоқда, саперлар уйжой кварталларини миналардан ва портламай қолган снарядлардан тозалаш ишларини тамомламоқдалар. Мактабларда яна машғулотлар бошланди.

Муниципалитет электр шохобчаларини тиклаш ва сув билан таъминлаш учун уйларни ремонт қилиш учун шошилинч тадбирлар кўрмоқда. Бу ишларни совуқ тушгунига қадар бажариб бўлиш керак. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ишлари йўлга қўйилмоқда.

Турли мамлакатлардан дори-дармон, озиқ-овқат, одеял ва чодирлар ортилган самолётлар Аммон аэродромига келиб турибди. Келтирилган юклар орасида СССР Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари союзи томонидан Иорданияга юборилган дори-дармон ва бошқа материаллар ҳам бор.

Довул аралаш жала оқибати

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Август-сентябрь ойларида Уттар Прадешда узоққа чўзилган довул аралаш жала ёғди. Бу Ҳиндистоннинг ана шу йирик штатига жиддий шикаст етказди. Жала натижасидаги сел бир неча километр тош йўлни ва темир йўлни ювиб кетди, жуда катта далалардаги ҳосилни бутунлай йўқ қилди. Селдан 20 мингдан ортиқроқ қишлоқ зарар кўрди. Шаҳар ва қишлоқларда 387 минг кулба вайрон бўлди. Қарийб 300 киши ҳалок бўлди. Табиий офатдан энг кўп шикаст кўрган 20 дан ортиқроқ штатда жала етказган зарар 300 миллион рупийдан ортиқроқ деб ҳисобланмоқда. Матбуот Уттар Прадешдаги тошқин кейинги ўн йилликлар мобайнидаги энг катта тошқин деб таъкидламоқда.

Телефон



Ўрхон КАМОЛ,

туркий ёзувчиси.

ХИКОЯ

— Ун қуруш беринг, дада.

— Яна пулми... Нима қиласан?

— Муаллим жуғрофия атласи олишни буюрди.

— Бер, бер, бердан бошқа гап йўқ... — жони чиқди закунчи* Исмоил афандининг.—Пулинг борми, йўқми барибир! Бер—вассалом! Уни қандай топяпсан, нимага яшаяпсан деб сўрашни бир банда ҳаёлига келтирмайди...

Газетани столга ташлаб тим яшил жилетининг бўш чўнтакларини ковлаштириб кўрди.

— Йўқ, беш қуруш ҳам йўқ. Эртагача қолдиришнинг иложи йўқми?

Ун бирларга кирган қизчанинг кўк кўзлари жиққа ёшга тўлди.

— Атлассиз муаллим синфга қўймайди, — бидирлади у, пешбандининг этагини кўзига кўтара туриб.

— Унда бугун мактабга бормай қўя қол, — у қизнинг ботқоққа ботган брезент шиппагаси кўкарган оёғига қаради. — Шундай қила қол қизим, ҳеч нарса қилмайди!

Қиз кетишга шайланган жойида отаси унн тўхтатди:

— Бир лаҳза сабр қил... — Миясида қўшни боққолдан ўн қуруш қарз қилиш фикри туғилди. Лекин эшикка етгач, закунчи тўхтади, юзини силади. Йўқ, тиланчилик қилиш унинг шаънига тўғри келмайди.

— Йўқ, — деди у қатъий, жойига қайтаётиб.

— Бугун борма... Жилдингни шу ерда қолдир, тушдан кейин қел, балки омадим келиб қолар...

Исмоил афанди чўнтагидан арзон сигарета қутисини чиқарди. Тўрт дона қолди. Учтасини олиб қўйиш керак, балки битта яримта мижозинг йўли тушар. Кейин дераза тагига келди, пешанасини дарз кетган ойнага тиради.

Январь кунлари. Шаррос жала қуйиб асфальт йўлни ювади, момақалдироқ гумбурлаб, қора булутларни чақмоқ кесиб ўтарди.

Бир вақтлар Исмоил афанди кичикроқ шаҳарча судида ишларди. Уша пайтда ҳам ҳозиргидек ўта намхарж эди. Кунлардан бирида қулай фурсат ўнг келиб, кўшни қишлоқдаги деҳқоннинг сотилган мол-мулкидан тушган давлат ақчасининг бир қисмини — тўқсон уч лира ўн беш қурушни жиғилдонига урди. Бу иши учун Исмоил афандини етти йил қамоққа ҳукм қилишди. Қамоқдан чиққач, туғилиб-ўсган ерида қолишга бети чидамади. Одамларнинг кўзига қарай олмади. Бировнинг мулкига кўз олайтирган одам ҳамшаҳарларининг унча дидига ўтирмаслигини биларди. Оиласини олиб бу ерга, мана шу шаҳарга кўчиб ўтди. Бу ерда эски қалпини, ҳарбий бўлим бошлиғи полковник Комил Ергюдан ёрдамида мушовирлик идорасини очди. Идора оёғи майиб стол, тўртта шалоқ стул, давот-қалам ва полковник ҳадяси — телефон аппаратидан иборат эди. Зотан аппарат қуруқ савлат эди, лекин хонага салобат бағишларди. Агар мижозлар тўғри келиб қолгудай бўлса Исмоил афанди жандарм бошқармаси, хавфсизлик хизмати, прокуратура, ҳатто губернатор идораси билан ҳам «гаплаша» оларди.

Исмоил афанди ойнадан кетди. Чилпарчин ойнани газета билан ёпиштириш учун қўшни боққолдан бир сиқим ун олиб келиш керак эди.

... Шаҳар соати ўнга бонг чалди. Емгир тинмб, булутлар тарқади, қуёш мўралади. Эрталабдан бери ҳўл машиналар ва соябонли файтунлар ғиз қатнаган кўчада хизмат нишлари: маъмурлар, савдо ходимлари ,савдогарлар пайдо бўлишдм.

Афанди эснаб эшикка яқин келди ва қарши томонда алангжаланг тикилаётган деҳқонга кўзи тушди. «Унинг иши бор», — суюнди Исмоил афанди.

— Кел, ҳамшаҳар, бирон ишни битиришинг керакми дейман? — Кир ичкарига.

Қирқ бешларга кирган, орриқ, ўрта бўйли, тиқан соқол, катта кўзли киши Исмоил афандини бошдан оёқ кузатиб чиқди ва тош йўлни вазмин кесиб ўтди.

— Иш битириш қўлингдан келадими ўзи?

Исмоил афанди деҳқоннинг тирсагидан олиб, идорага олиб кирди.

— Аввал сен ўтир, дамингни ростла, тамакидан чек, — деди-да саҳлаб қўйилган учта сигаретанинг бирини узатди, олов тутди.

Деҳқон ютоқиб ичига тортди.

— Мана энди гапир, қандай ҳодиса юз берди.

— Менга ҳеч қанақа ариза-нинг кераги йўқ, — Исмоил афандидан ҳали ҳам шубҳали, синовчан нигоҳини узмай огоҳлантирди деҳқон.

— Сен бунақа гапларни қўй. Омади гапни гапир.

— Ҳарбий хизмат юзасидан.., — шивирлади деҳқон ва ёнверига қараб олди.

— Калта қил, амаки. Юрагингда борини айт. Мени сир тўла сандиқ деявер... Калламни олса олар, оғзимни очмайман. Гапирсангчи...

Деҳқон саросимада нўзини пирпиратарди. Ниҳоят ёрилди:

— Ўғлимни жандармерияга олишяпти, — деди қўрқа-писа у, — пиёда аскарларникн олти ойга ҳисқа...

Закунчи турди ва у бурчакдан бу бурчакка юра бошлади. Полковникнинг ёрдами тегармикин, деб ўйлади. Йўқ, ёрдам қилмайди. Комилбей, талабчан одам, бунақа ишга қўнмайди, отасини ҳам аямайди. Зотан...

Исмоил афанди чўнтагидан рўмолча чиқарди, телефон аппаратини артди ва деҳқонга яқинлашди:

— Исминг нима?

— Мавлут.

— Қайси қишлоқдансан?

Деҳқон ҳадиксираган, атрофга аланглади.

— Гапир, қайси қишлоқдансан?

— Қишлоғимни сўраб нима қиласан, афанди? Бу нишни удалай олаеанми, уддалайолмайсанми, шуни айт.

Исмоил афанди лабини тишлаганича ойнага боқарди, нейин:

— Қулоқ сол, амаки, сенинг нишинг мушнул, ҳатто битиши ҳам амри-маҳол, чунки...

Бунақа даромад Мавлутга ёқмади. Агар мушкул иш бўлса баҳосини кўтарарди. У безовта кўзларини пирпиратди, тупугини ютинди.

— Бир ошнам бор, — давом этди Исмоил афанди, — ҳарбий бўлим бошлиғи, орамизда қил ўтмайди. Бир оғиз айтсам, бас.., Бошқа одам тилла берса ҳам қулоқ солмайди, у ёғини сўрасанг судга бериши ҳам мумкин. Ахир ҳарбий хизмат ишларига аралашган киши жазога тортилади-да.

Қўрқувдан Мавлутда юз қолмади. Исмоил афанди бирдан ошириб юборганини пайқаб қолди: «Худо кўрсатмасин, яна жуфтакни ростлаб қолса-я».

— Бу бошқаларга тааллуқли. Мен бундан мустасноман. Ахир мен ҳамма ишга ҳам бош қўшавермайман-да! Нега дейсанми? Мижозлар ҳам ҳар хил бўладн. Одамларнинг ахлоқи бузилиб кетди. Инсофли одамлар қолмади. Тузингни ичиб тузлугингга тупуришади... Сен қўрнишдан днёнатли одамга ўхшайсан..

— Биз ҳозирча имонимизни ютганимиз йўқ, афанди

— Шуни айтяпман-да, кўрнишдан инсофли одамга ўхшайсан. Бўлмаса-ку..

— Бизда биров ёмонлик кўрган эмас. Биз..

— Ҳозир мен полковник Комилбейга телефон қиламан. Агар розилик берса... Ўзинг эшитасан. Келишамиз...

Исмоил афандн афтига жиддий тус бернб, номер теришга киришди. Ҳафсала билан узоқ терди. Закунчининг назари тўсатдан деҳқоннинг чўп-устихон мехнатнаш қўлларига тушди, кўнгли бузилиб кетди... Бутун борлиғи жунбишга келди, қоповқлари солинди, у жиқиллаяпқ қолди, аммо ғишт қолипдан кўчган эди. Энди кеч бўлди, ўз-ўзига далда берди у ҳамда қуйилиб келган ҳисларини босиб, трубкага бақирди:

— Алло, алло.. Илтимос, ҳарбий бўлимни беринг. Аллоҳ Ким бу гапираётган? — У йўталиб қўйди — Комилбеймн? Бу Исмоил Демиржи. Ҳа, полковник. Сизга эҳтиромимни қабул этгайсиз... Сизга ҳам, афанди... Ҳаммаси соғ-саломат, салом этишди.

Мавлут нафасини ичига ютиб қулоқ солардн.

— Сиздан кичкина илтимосим бор эди, полковник. Менинг бир яқин таниш им бор, днёнатлик одам. Мавлут ого — Мавлутга кўзини қисиб қўйди, — Шунинг ўғли йўлидан бир нарсани сўрамоқчийдим. Йигит чани жандармерияга олиб кетишяпти экан, шуни пиёда аскарликка ўтказишга ёрдам кўрсатсангиз дегандик. Ҳа, афанди... Бўлди, афанди... Худо хоҳласа, давлатингиз соясида... раҳмат, — у яна Мавлутга кўз қисди. — Қачон?.. Тушдан кейин? Хўп бўлади, афанди. Саломат бўлсинлар, афанди...

— «Кўндирди», — ялт этиб хаёлидан ўтди, деҳқон. Исмоил афанди трубкани яна бир оз кўлида тутиб турди, кейин уни жойига қўйди ва қўлларини бир-бирига ишқаб Мавлутга яқинлашди.

— Ҳаммаси жойида, амакижон! Қўлимга жиддий иш тушгудай бўлса мен ҳамма ваҳт телефондан фойдаланаман, керак одамни излаб топаман, келишаман, фақат шундан кейингина керак бўлса муассасага бораман.

Деҳқон тикондек соқолини қашинди. У, Исмоил афанди полковникка телефон қилмас-дан аввал савдолашиб олмадим, деб ўз-ўзини койирди. Уни закунчи қанча сўрашн қийнаб турарди. Мавлутнинг кўлида эллик лиралик қоғоз ғижим бўлиб ётарди. Агар иш шу қоғоз билан битса-ку..

Исмоил афанди эса шу аснода эллик лирани орзу қилардн. Зотан у ўн. йигирма, ўттиз, ҳатто қирқ лирага камайтиришга ҳам тайёр эди. Бироз қўлга киритса-ю... яхши шакароб, қовурилган гўштдан тўйиб еса...

— Афанди... — чақирди уни деҳқон.

Закунчи ҳушёр тортди:

— Нима, амаки?

Мавлутдан садо чиқмади. Исмоил афанди деҳқоннинг қаловланиш сабабини тушунди.

— Ўғлингни гувоҳномасини ола келганмидинг?

— Шу ерда бўлиши керак.

— Бу ёққа бер... вақтни ўтказма...

Кетдик... Комилбей катта одам.

— Лекин...

— Лекин-пекинингни қўй... Гувоҳномани бу ёққа ол!

Мавлут қўлини хипча белига тортиб боғланган сербар жун белбоғ орасига тиқиб, титилиб кетган, қайта-қайта буклланган қоғозни олди ва Исмоил афандига узатдн.

— Гувоҳнома ўз йўлига, лекин...

— Нима, «лекин»?

— Ишни қандай битишамиз?

— Қайси ишни?

— Хўп, хўжайин қанча олади?

— Топган гапингни қара-ю!

Исмоил афанди гувоҳномани олди, у ёқ-бу ёгини айлантириб кўрди, «энг муҳим жойларини» овоз чиқариб ўқиди, «жуда соз» деб қўйди, сўнг галадонга солди.

Мавлут ҳали ҳам безовта эди. Бирдан у елкасига Исмоил афандининг қўли тушганини сезди.

— Иш битди деб ҳисоблайвер! Ишингни бугун кейин ҳам барорини берсин.

— Иншоолло, иншоолло..

— Энди сен менга бегона эмассан...

— Раҳмат, афанди, миннатдорман...

— Келиб тур...

— Раҳмат, албатта...

— Балки қишлонда бошқа одамларнинг ҳам иши чиқиб қолар... Агар ишончли одам бўлса, бировга тишини ёрмаса...

— Бўлади, бўлади.

— Олдимга юбор.

— Хотирнинг жам бўлсин, ҳаммасини сени олдингга жўнатаман.

— Қани энди гаплашиб олайлик..

Мавлутнинг юраги яна безовта ура бошлади.

...Бошқа одамга бундай иш учун юз лирага ҳам бошимни қотирмасдим...

Деҳқоннинг бутун борлиғи қулоққа айланди. Бунақа даромад ҳеч бир яхшилиндан дарак бермасди. Бирдан закунчи: «Сени ҳурматинг учун саксонга битираман», — деб қолса-я. «Ҳурмат юзасидан».. У менн билармидинки. Қаёқдан биларди? Бошимни қотиряпти..

Сансон бермайман, оллоҳ номига ҳасам бермайман!

— Сени ҳурматинг учун, — давом этди Исмоил афанди,— Комилбейни эллнкка кўндираман... Мавлутнинг жони ўрнига тушди, лекин қувончи тезда сўнди. «Закунчининг улуши мана шу эллнкнинг устидамикин?»

Энди у закунчининг гапларини эшитмасди, у эса деҳқоннинг хаёлларшонлигини пайқаб, унинг учун ҳар қандай ишга тайёрлигига ишонч ҳосил қилдираман деб, гапираверди, гапираверди, гапираверди. Мавлут ҳеч нарса эшитмади:

— Раҳмат, афанди раҳмат... — Сенн улушинг, албатта, шу эллкнинг устидан бўлади-да.

Исмоил афанди деҳқоннн ўпиб олишга тайёр эди:

— Менн ҳисобга қўшмасанг ҳам бўлади. Мен ҳеч нарса олмаслигим ҳам мумкин... Сен ҳам ахир мусулмонсан. Шунча йилдан кейин кетсан. Шунча йилда бир марта ҳожатингни чиқарибман.

Худо хоҳласа сени пойи қадаминг қутлуғ келиб ошнаоғайнинг, таниш-билишинг келар... Бирдан дуо, бирдан пул... Сени дуоингни олсам ҳам етади...

— Раҳмат, афанди, бола-чақангни роҳатини кўр, мартабанг баланд бўлсин.

(Давоми бор).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

---

* Закунчи—ҳукук ва қонун бўйича йўл-йўриқ кўрсатувчи киши.

Тажинхўрлик, безорилик ва ичкиликбозликка шафқат йўқ!

ШАҲРИМИЗГА ДОҒ ТУШИРАЁТГАНЛАР

МАЙДА БЕЗОРИЛИГИ УЧУН ЖАЗОЛАНГАНЛАР

◆ **Аҳмедов В. С.** 1953 йилда туғилган. «Главташкентстрой»га қарашли транспорт бошқармасининг 8-автобаза слесари. Маст ҳолида кўчада гражданин Поповага шилқимлик қилганлиги учун 15 суткага қамалди.

◆ **Крилов Н. Г.** 1928 йилда туғилган. Экскаватор заводининг қуюв цехини жиҳозлаш бўйича слесарь. Маст ҳолида ётоқхонада жанжал кўтарганлиги учун 15 суткага озодликдан маҳрум этилди.

◆ **Наумов А. И.** 1950 йилда туғилган. «Ташсельмаш» заводининг 22-цехи тракторчиси. Маст ҳолида жамоат жойида безорилик қилганлиги учун 15 суткага қамалди.

◆ **Мирзаахмедов М. З.** 1949 йилда туғилган. «Ташпромторг»га қарашли 102-магазин сотувчиси. Маст ҳолида қизларга шилқимлик қилганлиги учун 15 суткага озодликдан маҳрум этилди.

ҲУШЁРХОНАДА ТУНАГАНЛАР

◆ **Лисов П. П.** 1924 йилда туғилган. Тўшт комбинати ўт ёқувчиси.

◆ **Саркчев А. В.** 1944 йилда туғилган. 1-автобус парки ҳайдовчиси.

● «Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

БЕЗОРИ ВА АРОҚХЎР МУҲОКАМАДА МАЖБУРИЙ ДАВОЛАНИШГА ЮБОРИЛДИ

«Узглавводстрой» ишчиси Б. Олимжонов ароқхўрлар қаторида ҳушёрхонага келтирилгани газетанинг 22 июль сонида ҳабар қилинган эди. Унинг ҳулқи умумий йиғилишда муҳокама қилинган. Ароқхўр мажбурий даволанишга юборилган.

ЖАМОАТЧИЛИК ТАНБЕҲ БЕРДИ

4 июль сонида ҳушёрхонага тушганлар қаторида тепловоз вагон ремонт заводининг ишчиси В. Горностаев бўлгани хабар қилинган эди. Бу ароқхўрнинг ҳам ҳулқи коллектив ўртасида муҳокама қилиниб, жамоатчилик унга қаттиқ танбеҳ берган.

* * *

6 июль сонида эса Ўрта Осиё темир йўли тепловоз депосининг ишчиси А. Харламов ҳам ҳушёрхонага тушгани хабар қилинган эди. Унинг ҳулқи ўртоқлик судида кўрилган ва жамоатчилик танбеҳ берган.

ВИГОВОР ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Майда безорилиги учун қамалганлар қаторида 2-темир бетон буюмлари заводининг ишчиси В. Ватухин ҳам бўлгани хабар қилинган эди. Унинг ҳулқи цех коллектнви ўртасида муҳокама қилинди ва жамоат тартибини бузган Ватухинга виговор берилди.

* * *

Политехника институтининг ходими А. Мусаевнинг ҳушёрхонага тушгани 19 августда хабар қилинган эди. Мусаев умумий йиғилишда муҳокама қилинган ва унга виговор берилган.

* * *

Трактор йиғув заводининг ходими А. Мерошниченкога ҳам 25 июлда ҳушёрхонага тушганлар. рўйхатида бўлгани учун коллектив ўртасида муҳокама қилниб, виговор берилган.

* * *

Мана ўша ароқхўрлардан яна бири. Бу Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчиси Н. Кудряшов. Майда безорилиги учун қамалгани газетанинг 17 август сонида хабар қилинган эди. Унинг ҳулқи коллектив ўртасида муҳокама этилган ва виговор берилган.



ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—8IX да **Русалка**, 9IX да **Корсар**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8IX да **Парвона**, 9IX да **Аяжонларим**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8IX да **Бахт тўйи**.

Кино

8 ОКТЯБРДА
ҚИШКИ БИНОДА

Даҳшатдан кучли (кеч 7.30 минутда). **Поезд** (кеч 9 да) —САНЪАТ САРОЙИ.

Халоскорлик —«КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», НАВОИЙ НОМЛИ, «ВОСТОК», «ДРУЖБА» «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кечқурун).

Яшаш даври — «ЧАЙКА» (кечқурун);

Асунта, бехато от!—«ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Анупама — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кечқурун).

Бахтли киши — «МОСКВА» (кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

Бахтли киши —«ФЕСТИВАЛЬ», **Халоскорлик**—«ХИВА»,

9 ОКТЯБРДА

Поезд (эрталаб соат 11 ярим ва кеч 9 да), **Даҳшатдан кучли** (кундуз соат 2, 4, 5.30 ва 7.30 минутда)—САНЪАТ САРОЙИ.

Халоскорлик—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Яшаш даври — «МОСКВА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун),

Бахтли киши—«ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Гамбурглик матбуот қироли — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Резидентнинг тақдири —«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИЙГ 50 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Парад-алле —«МОСКВА» (кундуз соат 12 ва кеч 9 да),

Анупама—«КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз соат 12 ва кеч 6 да).

Сайха—«СПУТНИК» (кундуз соат 2, 3, кеч 8 ва 9 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11 уй)

ОЛЕГ СОКОЛнинг

ССРДА ЯГОНА ЭЛЕКТРОН-ИЛЛЮЗИЯ АТТРАКЦИОНИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ЭЛЕКТРОМЕХАНИК АССИСТЕНТ РОБОТ ИШТИРОКИДА

«МЎЪЖИЗАСИЗ МЎЪЖИЗАЛАР»

ва катта ҳар турли программалар.

Томошалар кеч соат 8 да бошланади.

Шанба кунлари: кундуз соат 3, кеч 6 да; якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да томошалар кўрсатилади.

Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 11 дан очиқ.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

10, 11 ОКТЯБРДА

БАДИЙ ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА СССР КУБОГИ УЧУН МУСОБАҚАЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

МУСОБАҚАЛАРДА: жаҳон чемпиони, бир неча бор СССР нинг абсолют чемпиони, хизмат кўрсатган спорт мастери **Любовь СЕРЕДА** (Киев); жаҳон чемпиони, СССРнинг 1970 йилги чемпиони, халқаро классли спорт мастери **Галина ШУКУРОВА** (Омск); СССР чемпионлари, халқаро классли спорт мастерлари **Наталия ОВЧИННИКОВА** (Киев) ва **Альфия НАЗМУДДИНОВА** (Свердловск) жаҳон чемпионлари халқаро классли спорт мастерлари **Елена КАРПУХИНА** (Москва) ва **Татьяна МАШКОВА** (Рязань); **1969 йилги СССР кубогининг ғолиби, халқаро классли спорт мастери Алла ЗАСУХИНА** (Астрахань)лар қатнашадилар.

Мусобақалар кундуз соат 5 да бошланади.

Мусобақанинг бош судьяси—Бутуниттифоқ категорияди судья Людмила Гончаренко (Ростов).

Касса эрталаб соат 10 дан кеч 7 гача очиқ.

19 октябрь кундуз соат 2 да Тарих ва археология институтининг илмий совети (Куйбишев кўчаси, 14 уй)да тарих фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Т. М. Мирсоатов: «Ўтут шахталарини ўрганиш ва улардаги қуроллар функцияларини эксперимент асосида аниқлаш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй)да танишиш мумкин.

21 октябрь кундуз соат 3 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа, иқтисод ва юридик фанлари бўлимларининг иқтисод бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Гоголь кўчаси, 70 уйда иқтисод фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Н. Д. Жабборов: «Янги ерларни суғориш ва ўзлаштиришнинг иқтисодий проблемалари (Ўзбекистон материаллари да)» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй)да танишиш мумкин.

ТЕЛЕВИЗОР

8 ОКТЯБРЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси. **18,00** С. Абдуқаххор. «Читтивой ва Маттивой». Ўзбек тилида телевизион кўғирчоқ театри.

Рус тилида: **18.35** «Ахборот» информацион программаси. **18,50** «Юбилейный» спорт залидан бадиий гимнастика ҳақида репортаж олиб кўрсатилади. **19.20** Реклама.

Ўзбек тилида: **19.30** Ленинизм —давримиз байроғи. **19.45** «Ахборот» информацион программаси. **20,00** «Айбсиз». Бадиий фильм. **21.25** КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА. Пахта терими кундалиги. **21.40** ПАХТА ТЕРИМИ ИЛГОРЛАРИ УЧУН КОНЦЕРТ. Маткарим Болтаев куйлайди. **22.20** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КУРСАТАДИ

22,30 Ранган телевидение. Хоккей бўйича Европа чемпионларининг кубоги учун. «СПАРТАК»—ЦСКА. **01.00** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КУРСАТАДИ

«ДЎСТЛИК» ЭКРАНИ

ФРУНЗЕ

ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ

КУРСАТУВЛАРИ

Рус тилида: **18.00** Болалар учун. «Сеҳрли қалам». **18,30** Киножурналлар. **18.50** Янгиликлар. **19,00** «Қирғизистон санъат устлари». СССР халқ артисткаси Б. Кидикеева.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 Кўрсатувлар программаси. **20,05** Янгиликлар. **20.15** Бадиий ҳаваскорлар концерти. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Сенга, ёшлик! **21,30** Миллионлар ленинча университети. **22.00** «Вақт» информацион программаси.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

22.30 Ўзбек тилида кинофильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: **20,00** Бизнинг интервью.

Рус тилида: **20,20** «Интербитмаш-68». Илмий-оммабоп фильм. **20.40** «Нон ва гул». Бадиий фильм. **22,15** «Буковина оқшомлари». Фильм-концерт.

РАДИО

8 ОКТЯБРЬ

ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 КПСС МК ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА! «Қишлоқдаги қурилиш» (русча). **18,10** П. Мўмин шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. **19,20** Татар куйлари. **20,00** «ВШЛИК» радиостанциясининг программаси. **20.50** Куйлар. **21.00** Ҳалқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** Пахта терими илғорлари учун концерт. **22.20** «Пахта теримида қатнашаётган шаҳарликлар, сизлар учун». Концерт (ўзбекча). **22.40** Давлат мукофотига тавсия этилган асарлар, Ю. Ритхэу. «Ленинград тонги» романидан боблар (ўзбекча). **23.15** Мақом кечаси. «Рост» мақомидан парчалар. **24.00** Тунги концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ҳажвий ҳикоялар (ўзбекча). **19.30** Р. Шуман асарларидан концерт. **20.00** Афғон куйлари. **20.30** Ўрта Осиё республикалари ҳалқларининг куйлари. **21,00** «Янги таржималар». Д. Икромий. «Бухоронинг ўн икки дарвозаси» романидан боб (ўзбекча). **21,40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 Ўзбекистон композиторларининг симфоник поэмалари.

9

ОКТЯБРЬ

ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Коммунистик ахлоқ ва тарбия мавзуларида» (ўзбекча). **18,10** Дўстларимиз қўшиқлари. **19.20** Радио эшиттирувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт. **20.00** «Ўзбекистон индустриальний» радиожурнали. **20,30** Саноат ходимлари учун концерт. **21.00** Ҳалқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** «Қишлоқ радиоклубида». Музикали эшиттириш (ўзбекча). **21.45** «Халқлар дўстлиги ва биродарлиги—социалистик давлатнинг қудратли кучидир» суҳбат (ўзбекча). **22.30** М. Бейжнев. «Дуэль». Радиоспектакль (ўзбекча).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19,00 Г. Мушель. Скрипка ва фортепьяно учун соната. **19.30** «Менинг Ватаним». Музикали радиокомпозиция (русча). **20.00** Тожик халқ куйлари. **20.30** Озарбайжон халқ артисти Ш. Алекперова куйлайди. **20.50** «Пахта йиғим-терими қаҳрамонлари» циклидан. «Зангори кема капитани». Радиоочерк (русча). **21.00** Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференцияси олдидан. Африка ёзувчиси А. Ла Гуманинг «Сирли оҳанглар» номли ҳикояси (ўзбекча). **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 «Владимир Андреев рус халқ оркестрининг асосчиси». Музикали эшиттириш.

Тошкент оқшоми 4 бет. 8 ОКТЯБРЬ 1970 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95 эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579, НАШР. 3126. Р.—01079.